

IOS (IPHONE) ОПЕРАЦИОН ТИЗИМИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ

Isxaqov Omoniddin Xusniddinovich

iPhone тарихи:

“iPhone Apple” асосчиларидан бири Стив Жобс бўлиб, ушбу бренд биринчи бўлиб, 2007 йил январь ойида бўлиб ўтган “Macworld Conference & Expo”да тақдим этилган. Шундан сўнг, “iPhone”нинг 1-авлоди 2007 йил 29 июнь куни намойиш этилди. Бу телефон, мусиқа плеери ва интернет тармоғини бирлаштирган биринчи қурилма ҳисобланади.

2013 йилга келиб, “iPhone 5G” яратилганидан сўнг, ушбу телефон қурилмалар ичида бармоқ изи ва юзни идентификацияси қилувчи технологияга эга биринчи смартфон бўлди.

“Iphone” бутун дунёда катта муваффақиятга эришди ва мобил қурилмалар саноатида катта бурилиш ясади. У смартфонларнинг рамзига айланиб, замонавий рақамли асрни шакллантиришда муҳим рол ўйнади.



Iphone зарари:

“iPhone 12” ва “Apple”нинг бошқа қурилмаларининг хавфли томонлари ҳақида биринчи бўлиб кардиологлар фикр билдириб, бир қатор тажрибалар устида “Apple” бренд остидаги гаджетларнинг магнит сигналлари имплантация қилинган юрак стимуляторларини тўхтатиб, ўчириб қўйиши тўғрисида холосага келган.

Бугунги кунда Америка Соғлиқни сақлаш таҳлил маркази томонидан янги “IOS” дизайнни айрим инсонлар учун ёмон таъсир кўрсатишини расман тан олди. Бу бир нечта хусусиятлар билан боғлиқ бўлиб, IOS янги версиясини лойиҳалаш жараёнларида жуда кўп ёрқин ранглар қўлланилиши ва уларнинг комбинациялари жуда ёрқин, инсон кўзи зарарли экани кўрсатилган. Масалан, планшетдан қисқа муддатли фойдаланиш (кунига тахминан 1-2 соат) туфайли **25 мингдан ортиқ одам**




зарар күрган. Зарар күрганларнинг барчасида қуйидаги - күнгил айниши, қусиши, бош айланиши, бошнинг ўткир оғриғи, кўзнинг рангларни ажратишини пастлашиши каби белгилар аниқланган. Янги операцион тизимнинг иккинчи камчилиги - бу орқа тасвирни айлантириш принципи асосида ишлайдиган **параллакс эффиқти**. Бу таъсирга, 3D форматда фильм томоша қила олмайдиган инсонлар тоқат қилолмайди. Шу сабабли, Америкалик олимлар томонидан 3D форматидаги фильмларни томоша қилишни хушламайдиган инсонларга “iPhone” қурилмаларидан фойдаланиш тақиқлайди.

“Iphone” қурилмаларидаги камчиликлар:

1. “Iphone” мобил оламдаги энг қиммат смартфонлардан биридир.
2. “Iphone” қурилмаларида “Android” каби бошқа операцион тизимларига нисбатан камроқ созлаш ва шахсийлаштириш имкониятларини таклиф этади.
3. “Iphone” ўзининг “iOS” операцион тизимидан фойдаланади, бу баъзи иловалар ва қурилмалар билан мосликни чеклайди.
4. “iPhone” SD карталар ёрдамида хотирани кенгайтириш имкониятига эга эмас, бу кўпроқ сақлаш жойига муҳтож фойдаланувчилар учун муаммо бўлиши аниқ.
5. “Iphone”да бошқа смартфонларга нисбатан қувват сиғими нисбатан паст бўлиши мумкин.
6. “Iphone 7” моделида “iOS” тизими янгиланишидан сўнг, “Wi-Fi” ва “Bluetooth” иловаларидан фойдаланишда чеклашлар вужудга келади.
7. “Iphone” қурилмаларида “орқага қайтиш” тугмасини йўқ.
8. “Iphone”дан фойдаланувчилар қўшимча мобил иловаларни фақатгина битта манбаси - расмий “AppStore” интернет магазинидан юклаб олиши мумкин, агар керакли илова “AppStore”да бўлмаса, уни қурилмага ўрнатиб бўлмайди.

Iphone яширин имкониятлари:

1. “Калькулятор”да рақамларни тезда олиб ташлаш. “Iphone” калькуляторида сиз охирги терилган рақамларни ўчиришингиз мумкин. Бу ҳар қандай ҳисоб-китобларда рақамларни қайта киритмасликка ёрдам берадиган жуда фойдали вариант. Агар сиз тасодифан нотўғри рақамни киритган бўлсангиз, рақамлар билан қаторда чапга ёки ўнгга суринг. Нотўғри киритилган қўшимча рақам дарҳол ўчади.



2. Охирги рақамни тез териш функцияси, стандарт “телефон” иловасида охирги терилган контактни бир зумда қайта құнғироқ қилиш имконини берувчи яширин хусусият мавжуд. Бунинг учун сиз құнғироқ тугасини иккі марта босишиңгиз кифоя ва “iPhone” дархол охирги киравчы ёки чиқувчи рақамга құнғироқ қила бошлайди.




3. Тез кетма-кет суратга олиш, “Камера” иловаси жуда күп фойдали хусусиятта эга, улар “Apple” негадир бу ҳақда аник гапирмайди. Бундай функциялардан бири бу кетма-кет суратга олиш. Уни ишлатиш жуда осон. “Shutter release” тугасини босинг ва ушлаб туринг. Тұмани ҳар доим босиб турсангиз, iPhone суратга олади. Шундай қилиб, объектларни ҳаракатда бўлган сонияларини суратга олиш имконини беради.



4. Таймер орқали мусиқа ёки видеони тұхтатинг, агар сиз ётишдан олдин мусиқа тинглашга ёки севимли сериалларингизни томоша қилиб, ухлаб қолиш натижасида, эрталаб “iPhone” қурилмасида күп холларда қуввати үчиб қолади. Чунки, мусиқа ёки видеони үчирмадингиз. Стандарт соат дастурида мусиқа ёки видеони тинглашни тұхтатиш учун таймерни белгилаш учун фойдали вариант мавжуд. Таймерни ўрнатинг ва огохлантириш сифатида “тұхтатиш”ни танланг. Бу Сизни уйқуга кетганиңизда телефон автоматик тарзда мусиқа ёки видеони тұхтатади ва қурилмани блок ҳолатига солиб құяди.



5. Шахсий фотосуратларни яшириш. Фотосуратларни күрсатиш учун барчамиз тез-тез “iPhone” қурилмасини дүстимиз ёки ҳамкасбимиз құлиға берамиз. Бунда, Сиз ҳеч кимга күрсатишни истамаган шахсий фотосуратларингиз экранда “ёниши” пайдо бўлиши мумкин. “iPhone”да фотосуратларни яширишингиз мумкин. Фотосуратни танланг (ёки бир вақтнинг ўзида бир нечта расм), “улашиш” тугасини босинг ва очилган ойнада “яшириш”ни танланг. Барча яширин расмлар энди



умумий тасмада кўрсатилмайди, балки махсус “яширин” жилдга тушади.

Iphone бўйича қизиқарли маълумотлар:

1. 2011 йил смартфонлар ичида биринчи бўлиб “Iphone 4s” моделида овозли ёрдамчи “Siri”ни тақдим этилган. Натижада, ушбу лойиҳадан сўнг “Google” компанияси томонидан ҳам илхомланиб овозли ёрдамчилар яратилган.



2. 2020 йилда энг кўп сотилган смартфон - бу “Iphone” бўлиб, **217 миллиондан** ортиқ телефон сотувга чиқкан.

3. “Apple” йилдан-йилга технологик тараққиёт нуқтаи назаридан барқарор ривожланиб келмоқда. “iPhone” смартфонларининг сўнгги ишлаб чиқарилган кўриниши билан биринчи ишлаб чиқарилган модели ўртасида кўпгина кулгили фарқлар мавжуд. Унга кўра дастлабки моделда фақатгина қўнғироқ қилиш ва калькуляторидан фойдалиниш имкониятлари бўлган холос.



4. “iPhone”иннг 1-модели “Project Purple” код номи остида ишлаб чиқилган ва “Apple”нинг махфий лойиҳаси ҳисобланган. Умуман олганда, унинг ривожланиши учун тахминан 30 ой вақт кетган.

5. “Iphone” смартфонлари дастлабки босқичда ишлаб чиқарилганидан сўнг, “Cisco” тизимида рўйхатдан ўтиб, “Apple” “Cisco” билан музокаралар натижасида унинг савдо белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритди.